

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таҳлим вазирлиги

Фарғона политехника институти

«Бино ва саноат иншоотлари қурилиши» кафедраси

«Темирбетон конструкциялари» фанидан В.580200 «Бино ва саноат иншоотлари қурилиши» йўналиши ва 5А-580201 «Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар» мутахассислиги талабалари учун амалий машғулотларни бажаришга оид

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ФАРҒОНА – 2009 й.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таҳлим вазирлиги

Фарғона политехника институти

«Бино ва саноат иншоотлари қурилиши» кафедраси

«Темирбетон конструкциялари» фанидан 580200 «Бино ва саноат иншоотлари қурилиши», 140900 «Касб таҳлими(БИҚ)» йўналишлари ва 5А-580201 «Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар» мутахассислиги талабалари учун амалий машғулотларни бажаришга оид

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Фарғона политехника институти
Услубий кенгашининг 2009 йил
_____ ойининг
«_____» кунидаги мажлисида
тасдиқланган №____ сонли баённома

Муаллиф: доц. Мирзааҳмедов А.Т.

Такризчи: доц. Турсунов С.Т.

ФАРҒОНА – 2009 й.

Мундарижа:

Сўз боши.....	5
1-боб. Темирбетон тузилмаларини лойиҳалаш	
асослари ҳақида умумий тушунча.....	6
1.1. Темирбетон тузилмаларини чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш.....	6
1.2. Юклар ва таъсирлар.....	11
1.3. Темирбетон тузилмалари ёрикбардошлиги бўйича қўйиладиган талабларнинг уч тоифаси.....	23
1.4. Олдиндан зўриқтирилган темирбетон элементларидаги кучланишларни йўқотилиши.....	25
II-боб. Эгилишга, сиқилишга ва чўзилишга ишловчи	
элементларни ҳисоблашга доир мисоллар.....	32
2.1. Эгилишга ишловчи элементларни нормал кесим бўйича мустаҳкамликка ҳисоблаш.....	32
2.1.1. Эгилишга ишловчи бир томонлама арматураланган тўғри тўртбурчак кесимли темирбетон элементларни лойиҳалаш.....	32
2.1.2. Қўш арматурали кесимлар.....	37
2.1.3. Тавр шаклли кесимлар.....	38
2.2. Эгилишга ишловчи элементларни қия кесим бўйича мустаҳкамликка ҳисоблаш.....	40
2.3. Сиқилишга ва чўзилишга ишловчи элементларни ҳисоблаш.....	43
2.3.1. Сиқилишга ишловчи элементлар.....	43
2.3.2. Чўзилишга ишловчи элементлар.....	48
2.4. Мустақил ишлаш учун мисоллар.....	49
Адабиётлар.....	53

СЎЗ БОШИ

«Темирбетон конструкциялари» фанидан ўтиладиган амалий машғулотлар 5А-580201 «Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар» мутахассислиги, 5.580200 «Бино ва саноат иншоотлари қурилиши» йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, ушбу фаннинг Давлат таълим стандарти томонидан белгиланган фаннинг мазмунига қўйилган малакавий талаблар ва фаннинг намунавий дастури асосида тузилган.

Услубий қўлланмада «Темирбетон конструкциялари» фанидан бажариладиган амалий машғулотлар-темирбетон конструкциялари-эгилувчи, сиқилувчи ва чўзилувчи элементларини чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш ва лойиҳалаш асослари ҳақида умумий тушунча, таъсир этувчи юклар, ёриқбардошлик бўйича қўйиладиган талаблар, олдиндан зўриқтирилган элементлардаги кучланишларни йўқотилиши ва мустақил ишлаш учун мисоллар келтирилган.

Услубий кўрсатма «БСИҚ»
кафедраси услубий семинарида
мажлис баёни № 1 « 3 » 09 2009 й. ва
қурилиш факултети услубий кенгашида
мажлис баёни № 1 « 5 » 09. 2009 й.
кўриб чиқилган ва тасдиқланган

I-боб. Темирбетон тузилмаларни лойиҳалаш асослари ҳақида умумий тушунча

I.I. Тузилмаларни чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш

Бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи тузилмалари уларга олдиндан қўйилган юк кўтариш қобилияти, бикрлик, дарзбардошлик, конструктив тузилмалари эса фазовий бикрлик талабларига жавоб бериши керак.

Ҳисоблашнинг асосий мақсади темирбетон тузилмалари юк остида ишлаганда уларни энг тежамли ўлчамларини танлаш ва шу билан бирга хавфсизлик, иншончилилик ва узоққачидамлилиқ талабларига жавоб беришига эришишдир.

Ҳисоблашнинг асосий вазифасига ташқи юк таъсиридан тузилма элементларида ҳосил бўладиган зўриқишларни аниқлаш, талаб этилган арматуралар миқдорини ва бириктирувчи қисмларини белгилаш ҳамда тузилма ишчи чизмаларини тайёрлашдаги бошқа зарур маълумотларни аниқлаш киради.

Тузилмаларни ҳисоблашнинг энг самарали ва кенг қўлланаётган усули бу чегаравий ҳолатлар услубидир.

Тузилмаларни чегаравий ҳолати деганда шундай ҳолат тушиниладики, бу ҳолатда тузилмалар уларга қўйилган талабларга ёки ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермай қолади ва улардан фойдаланиб бўлмай қолади.

Чекли ҳолатлар бўйича ҳисоблашнинг асосий мақсади, тузилмаларни тайёрлашда ёки улардан фойдаланишда чекли ҳолатлар намоён бўлишига йўл қўймасликдир.

Бетон ва темирбетон тузилмаларини ҳисоблашда икки гуруҳ чегаравий ҳолатлар мавжуд: биринчи гуруҳ юк кўтариш қобилияти бўйича; ва иккинчи гуруҳ хавфсиз (меоёрий) ҳолатда фойдаланишга лойиқлиги бўйича.

Биринчи гуруҳ чекли ҳолатига умумий ёки қисман устворликни йўқотилиши, бузилишнинг ҳамма турлари, геометрик ўзгарувчан тизимга

ўтиши, шаклини (кўринишини) ўзгариши, ҳамда материаллар хоссасини ўзгариши натижасида тузилмадан фойдаланиб бўлмай қолиши ва брикмалардаги силжишлар, судралиш ёки ёриқларни ортиқча очилиши киради.

Иккинчи гуруҳ чекли ҳолатига тузилмаларни эгилиши, чўкиши, буралиш бурчаги, тебраниши, ҳолатини ўзгариши, ёриқлар ҳосил бўлиши ва уларни кенгайиши натижасидаги рухсат этилмайдиган даражада деформацияланиши киради.

Чекли ҳолатлар бўйича ҳисоблаш юқорида келтирилган омилларни юз беришини ҳамма босқичларда яони тайёрлашда, ташишда, ўрнатишда ва улардан фойдаланишда олдини олиш учун бажарилади.

Биринчи гуруҳ чекли ҳолат бўйича ҳисоблаш шарти: умумий ҳолда қуйидаги кўринишга эга

$$N_{\text{кат}}(q) \leq \Phi_{\text{кич}}(A, R_v, \gamma_{si}, R_s, \gamma_{si}) \text{ ёки } N_{\text{кат}}(q) \leq \Phi_{\text{кич}}(A, R, \gamma_i) \quad (1.1)$$

бу ерда $N_{\text{кат}}$ - темирбетон тузилмалар элементларида ташқи кучни энг ноқулай (нормувофик) ҳолатида ҳосил бўладиган зўриқиш (бу ташқи ҳисобий куч (q) га боғлиқ бўлади); $\Phi_{\text{кич}}$ – ҳисобий ҳолат учун элемент қабул қилиши мумкин бўлган чегаравий зўриқиш бўлиб, элемент кесим юзаси (A) га ва материаллар ҳисобий қаршилиги (R)га ҳамда ишлаш шароити коэффицентлари (γ_i) га боғлиқ катталик.

Иккинчи гуруҳ чекли ҳолатлар бўйича бетон ва темирбетон тузилмалари аксарият ҳолларда ёриқлар пайдо бўлиши ва уларни очилиши (ва ёпилиши) га ҳамда деформацияланиши (салқиланиши) га ҳисобланади. Тузилмаларни бўйлама ўққа тик кесимларида ёриқлар пайдо бўлишига бардошлиги бўйича қуйидаги шарт бажарилиши керак

$$N_{\text{мах}}^n \leq N_T \text{ ёки } M_{\text{мах}}^n \leq M_T \quad (1.2)$$

яони меоёрий куч таъсиридан ҳосил бўладиган энг катта меоёрий зўриқиш $N_{\text{мах}}^n$ ёки эгувчи момент $M_{\text{мах}}^n$ ёриқ пайдо қилувчи зўриқиш кучи N_T ёки эгувчи момент M_T дан катта бўлмаслиги керак.

Ёриқлар очилишига ҳисоблашда, элементларнинг чўзилувчи арматура сатҳида пайдо бўладиган ёриқлар кенглиги a_{ti} ёриқбардошлилик тоифаларига мос ҳолда белгиланган ёриқлар кенглигининг чекланган миқдори a_{crc} дан ортиб кетмаслиги керак

$$a_{ti} \leq [a_{crc}], \quad (1.3)$$

бу ерда $[a_{crc}]$ -ёриқлар кенглигининг чекланган миқдори.

Тузилмаларни силжишига ҳисоблашда уларда ташқи юкдан ҳосил бўладиган салқиланиш f , унинг чекланган миқдори f_{ger} дан ортиб кетмаслиги таъминланиши зарур,

$$f \leq f_{ger} \quad (1.4)$$

Салқиланишнинг чекланган миқдори f_{ger} 1.1- жадвалда келтирилган.

Бетон ва темирбетон тузилмаларини чекли ҳолатлар бўйича ҳисоблашда уларни ишончлилик даражасини орттириш учун қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши зарур:

- юклар ва таъсирларни ўртача миқдорларини ўзгарувчанлиги ёки доимий ва вақтли юкларни ноқулай вазиятларда уйғунлашиб таъсир этиши;
- бетон ва арматуралар механик тавсифини (вақтли қаршилиги, оқиш чегараси), бу тавсифларни ўзгарувчанлиги, материаллар ишлаш шароити;
- тузилмаларни умумий ишлаш шароити, тайёрланиш шароити, агрессив муҳит ва ш.ў.

Юқорида келтирилган омилларни ҳисобга олиш учун бир қатор коэффициентлар тизимидан фойдаланилади.

Темирбетон элементларда чекланган салқилик миқдори.

1.1-жадвал

Т/р	Тузилма элементлари	Йўл қўйиладиган чекланган салқилик	Ҳисобга олинадиган юклар
1	Кран ости тўсинлари: А) дастаки кранларда Б) электр юритмали кранларда	$\frac{\ell}{500}$ $\frac{\ell}{600}$	Доимий, узок ва қисқа муддатли
2	Ясси шифтли ораёпмалар ва том ёпмаси элементлари, оралик узунлиги ℓ , м: А) $\ell < 6$ бўлганда Б) $\ell \leq 1 \leq 7,5$ бўлганда В) $\ell > 7,5$ бўлганда	$\ell / 200$ 3 см $\ell / 250$	Доимий ва узок муддатли
3	Қовирғали шифтли ораёпмалар ва зинапоя элементлари, оралик узунлиги ℓ , м: А) $\ell < 5$ Б) $5 \leq \ell \leq 10$ В) $\ell > 10$	$\ell / 300$ 2,5 см $\ell / 400$	Доимий ва узок муддатли
4	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бинолари том ёпма элементлари, оралик узунлиги l , м: А) $\ell < 6$ Б) $6 \leq \ell \leq 7,5$ В) $\ell > 7,5$	$\ell / 150$ 4 см $\ell / 250$	Доимий ва узок муддатли
5	Айвон девор панеллари (текисликдан ҳисобланганда), оралик узунлиги ℓ , м: А) $\ell < 6$ Б) $6 \leq \ell \leq 7,5$ В) $\ell > 7,5$	$\ell / 200$ 3 см $\ell / 250$	Доимий, узок ва қисқа муддатли

Изоҳ: ℓ — элементлар оралик узунлиги, м да, консолр учун унинг узунлигини иккиланган миқдори олинади.

Юклар меоёрий миқдорини ўзгариши ҳисоблаш ифодаларида юкланиш бўйича ишончлилик коэффицентлари γ_f , материаллар механик тавсифини ўзгарувчанлиги — бетонни ишончлилик коэффиценти γ_s ва арматурани ишончлилик коэффиценти γ_{bi} , γ_{si} , ҳамда тузилмаларни қандай мақсадларда (биноларни халқ хўжалигидаги

аҳамиятига қараб) фойдаланилишига қараб ишончилилик коэффиценти γ_n (1.2 жадвал) орқали ҳисобга олинади.

Юқорида келтирилган коэффицентлар тизимини қўлланилиши тузилмаларни, уларга энг ноқулай вазиятларда юklar таъсир этганда ҳам, материаллар мустаҳкамлиги қиймати жуда кичик бўлганда ҳам ва тузилмалар кескин чегара ҳолатга дуч келганда ҳам ишончилигини таъминлай олади.

Бино ва иншоотларни муҳимлилик даражаси бўйича тузилмаларни ишончилилик коэффиценти γ_n

1.2-жадвал

Муҳимлилик даражаси синфлари	Бино ва иншоотлар	γ_n
I	Халқ хўжалигида ғоят муҳим ва ижтимоий аҳамиятга эга: ЭС ва АЭС лар бош бинолари; телевидение минораси; саноат трубалари баландлиги 200 м дан кўп бўлганда; нефт маҳсулотлари сақлайдиган, сифими 10 минг м ³ дан ортик идишлар; трибунали спорт иншоотлари; театр бинолари; кинотеатр, цирк, бозор, ўқув муассасалари, музейлар ва ш.ў.	1
II	Халқ хўжалигида муҳим ва ижтимоий аҳамиятга молик: саноат, қишлоқ хўжалиги, фуқаро-яшаш бинолари ва алоқа ҳамда I ва III синфга кирмайдиган бино ва иншоотлар.	0,95
III	Халқ хўжалик ва ижтимоий муҳимлиги чекланган бино ва иншоотлар: танлов ва жойлаш жараёнлари бўлмаган омборлар, бир қаватли яшаш бинолари; хизмат муддати 5 йилдан кўп бўлган вақтинчали бино ва иншоотлар ва ш.ў. Хизмат муддати 5 йилгача бўлган вақтинчали бино ва иншоотлар учун.	0,9 0,8

1.2. Юklar ва таъсирлар

Тузилмаларни тайёрлаш, ташиш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш жараёнларида ҳар хил юklar таъсир этиши мумкин. Таъсир этиш даврига қараб юklar доимий ва вақтинчалик юklarга тоифаланади.

Ўз навбатида вақтинчалик юklar узоқ муддатли, қисқа муддатли ва махсус юklarга бўлинади.

Доимий юklarга бино ва иншоотлар қисмларининг ўз хусусий оғирлигидан, шунингдек юк кўтарувчи ва ўраб турувчи элементлардан,

тупроқларни оғирлиги ва босимидан тушаётган юклар ҳамда тузилмалардаги олдиндан берилган зўриқишлар таъсири киради.

Узоқ муддатли таъсир этувчи юкларга эса қўйидаги юклар киради:

- қўзғалмас асбоб-ускуналар, жиҳозлар, сиғимли идишлар, трубопроводлар, ҳамда уларнинг элементлари ва копламалари массаси;
- сиғимли идиш ва трубопроводлар ичидаги газ, суюқлик ва сичилувчан материаллар массаси;
- турар жой ва жамоат бинолари техник қаватлари ораёпмаларидаги материаллар ва жиҳозлар массаси;
- омборхона, совуқхона (совутгичхоналари), кутубхона, архив (ҳужжатлар сақланадиган хона), театр ва бошқа шунга ўхшаш бино ва хоналарни ораёпмаларига тушаётган юклар;
- қўзғолмас ускуналарга ҳарорат таъсирлари;
- ишлаб чиқаришдан тўпланган чанглар оғирлиги, агар уларни чиқариб юбориш тадбирлари қўрилмаган бўлса;
- сув тўлдирилган текис том ёпмаларидаги сувнинг оғирлиги;
- бино ораёпмаларига тушаётган қисқа муддатли юкларни бир қисми (1.2-жадвал); турар жой бинолари хонадонлари, болалар муассасалари ётоқхоналари ва касалхоналарда – 300 Н/м^2 миқдорда, жамоат бинолари хизмат хоналарида, синф хоналарида, кутубхона, лаборатория, ўқув заллари, қахвахона, савдо ва кўرғазма заллари ва ш.ў. – меоёрланган қисқа муддатли юкни 30 % миқдори;
- баози ноҳиялар учун қор қопламини бир қисми;
- битта осма ёки кўприксимон крандан тушаётган юкнинг, коэффициентлар (иш режими 4-6 бўлганда – 0,5; 7 бўлганда – 0,6; 8_к бўлганда – 0,7) га кўпайтирилган қисми;
- иқлим ҳарорати таъсири.

Қисқа муддатли таъсир этувчи юкларга:

- қўзғолдиган кўтариб-туширувчи жихозлар; хизмат кўрсатиш ва жихозларни таъмирлаш минтақасидаги одамлар; деталлар, таъмирлаш материаллари массасидан тушадиган юклар; қурилиш тузилмаларини ташишдаги ва ўрнатишдаги юклар; вақтинча тахлаб қўйилган тузилмалар ва материаллар массаси; қор массасидан, шамол таъсиридан ва турар жой ҳамда жамоат бинолари ораёпмаларига тушадиган юклар киради.

Махсус юкларга: зилзила ва портлаш натижасида ҳосил бўлаётган юклар, ускуналар ва жихозларни вақтинчали носозлиги ёки синиши туфайли технологик жараёни бузилиши натижасида ҳосил бўлган юклар; тупрок тузилишини тубдан ўзгариши (музлаган тупроқларни эриши, чўкувчан тупроқларни сувланиши ва тоғ жинсларини қайта ишлаш) натижасида асосларни нотекис деформацияланишидан ҳосил бўлган юклар киради.

Тузилмаларни ҳисоблашда юклар меоёрий ва ҳисобий юкларга ажратилади.

Тузилмалар нормал шароитда фойдаланилганда уларга тушаётган ҳақиқий юкларнинг энг катта қиймати (миқдори) меоёрий юк дейилади.

Доимий юкларнинг қурилиш тузилмалари массасидан ҳосил бўладиган миқдори, тузилманинг лойиҳа ўлчамлари ва ҳажмий зичлигининг ўртача қийматига кўпайтириш орқали аниқланади, бунда тузилма тайёрланган муассасалар маолумотларига ёки бу тузилмалар учун стандартларда белгиланган ҳақиқий оғирлик ҳисобга олинади.

Вақтинчали юкларнинг меоёрий миқдорлари – ораёпмалар учун 1.3-жадвалда, қор ва шамол таъсири учун 1.4- ва 1.5-жадвалларда келтирилган.

Ораёпмалар ва заналарга тушадиган вақтинчали меоёрий юклар ва юкланиш бўйича ишончилилик коэффициентлари

1.3-жадвал

Т/р	Бино ва хоналар	Вақтинчали меоёрий юклар, Н/м ²		Коэф-фицие нт γ _f
		Умумий миқдори	Бундан узоқ муддатлиси	
1	Турар жой бино хонадонлари, мактаб интернат, болалар ва мактабгача болалар муассалари ётоқхоналари ва дам олиш уйлари, пансионатларни яшаш хоналари, шифохона ва санаториялар палаталари	1500	300	1,3
2	Маомурий, мухандислик-тех-ик, илмий ходимлар, маориф муассасалари ва ташкилотлари хизмат хоналари; жамоат бино ва иншоотлари хоналари	2000	700	1,2
3	Соғлиқни сақлаш муасса-алари, маориф, фан каби-етлари ва лабораториялари, санаш-хисоблаш маркази, жа-оат бинолари ошхоналари, техник қаватлар ва ертўла хоналари ва бошқалар	Ҳақиқий қиймати ва 2000 дан кам бўлмаган	≥1000	1,2
4	Заллар: а) ўқув б) овқатланиш (қахвахона, ресторан, ошхона) в) мажлис ва йиғин, кутиш, тамоша, концерт, спорт г) савдо, кўргазма, экспозиция	2000 3000 4000 ҳақиқий қиймати ва ≥4000	700 1000 1400 ≥1400	1,2
5	Китоб сақлаш, архивлар, тамошахона сахналари	Ҳақиқий қиймати ва ≥ 5000	≥ 1800	1,2
6	Минбарлар (трибуна): а) маҳкамланган ўриндикли б) тик туриб томоша қилинадиган	Ҳақиқийси ва ≥ 4000 Ҳақиқийси ва ≥ 5000	1400 1800	1,2
7	Чердак хоналари (материаллар ва жиҳозлар оғирлигига қўшимча)	700	-	1,3
8	Айвон ва том ёпмалари: а) дам олиш учун фойда-аниладиган жойларда б) ишлаб чиқариш хоналаридан, заллардан, аудиториялардан чиқиш жойларида одамлар тўпланиб қолиши мумкин бўлган жойларда в) бошқалари	1500 4000 500	500 1400 -	1,3 1,2 1,3

9	Балконлар, пешайвонлар:			
	а) тўсиқлари бўйлаб 0,8 м энликда тенг тарқалган юклар	4000	1400	1,2
	б) балконни ҳамма юзаси бўйлаб тенг тарқалган ёппа юклар	2000	700	
10	Ишлаб чиқариш ва омборлар хоналарини жиҳозларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш жойлари	≥ 1500	-	1,3
11	Вестибюлр, фойе, коридор ва зиналарни бино ва хоналарга ўтишда туташган жойлар:			1,2
	а) жадвални 1, 2 ва 3 моддалари бўйича	3000	1000	
	б) жадвални 4, 5 ва 10 моддалари бўйича	4000	1400	
	в) жадвални 6 моддалари бўйича	5000	1800	
12	Вокзал перронлари ва метрополитен бекатлари	4000	1400	1,2
13	Қишлоқ хўжалик чорвалари учун хоналар:			1,2
	а) майда б) йирик	≥ 2000 ≥ 5000	700 1800	

Юклар миқдорини меоёрийсидан фарқ қириш эҳтимоли юкланиш бўйича ишончлилик коэффиценти γ_f орқали ҳисобга олинади, яъни меоёрий юклар миқдорида γ_f ни кўпайтириш билан ҳисобий юк қиймати аниқланади. Бу коэффицентнинг миқдори аксарият ҳолларда бирдан катта бўлади, лекин, юкларни камайитирилиши тузилмалар ишида ноқулай вазият вужудга келтирадиган бўлса, у ҳолда γ_f бирдан кичик қабул қилинади ($\gamma_f=0,8\div 0,9$).

Қурилиш тузилмалари ва тупроқларни массасидан тушаётган ҳисобий юкларни аниқлаш учун юкланиш бўйича ишончлилик коэффиценти γ_f 1.6-жадвалда, қор учун 1.7-жадвалда келтирилган.

МДХ ноҳияларининг баози бир шаҳарлари учун ернинг 1 м² горизонтал юзасига қор массасидан тушадиган юк.

1.4-жадвал

МДХ ноҳиялари	Айрим шаҳарлар	Қор катламидан тушадиган юк, Н/м ²	
		Қисқа муддатли	Узоқ муддатли
II	Тошкент, Самарқанд, Ашхабод, Фарғона, Термез	500	-
	Ростов-Дон, Одесса, Киев, Харрков, Минск, Баку, Рига, Тбилиси, Алма-Ата, Иркутск, Владивосток	700	-
III	Москва, Санкт-Петербург, Челябинск, Екатеринбург	700	300
IV	Новосибирск. Казан, Уфа, Архангелрск	750	750
V	Пермр, Сахалин области	800	1200
VI	Петропавловск-Камчатка	1000	1500

Жадвалда келтирилмаган шаҳарларни қайси гуруҳдаги ноҳияга кириши ҚМҚ 2.01.07-96 «Юклар ва таъсирлар» бўйича махсус харитадан аниқланади.
Шамолнинг 10 м баландликдаги тезлик босими W_0

1.5-жадвал

МДХ ноҳиялари	Айрим шаҳарлар	W_0 , Н/м ²
I	Москва, Минск, Верхоянск, Мирнқй.	230
II	Киев, Харрков, Кишинев, Челябинск, Екатеринбург, Рига, Андижон, Ош.	300
III	Тбилиси, Тошкент, Алма-Ата, Новосибирск, Иркутск, Ростов-на Дону, Фарғона	380
IV	Владивосток, Караганда, Термез	480
V	Находка, Николаевск на-Амуре, Магадан	600
VI	Оха, Советская Гаванр	730
VII	Южно-Сахалинск, Анадкрғ, Петропавловск-Камчатка	850

Жадвалда келтирилмаган шаҳарларни қайси ноҳияга кириши ҚМҚ 2.01.07-96 «Юклар ва таъсирлар» бўйича махсус харитадан аниқланади.

Курилиш тузилмалари, тупроқлар ва жиҳозлар оғирлигидан тушаётган статик юклар учун юкланиш бўйича ишонччилик коэффиценти.

1.6-жадвал

Тартиб рақами	Тузилмалар, тупроқлар ва жиҳозлар	Коэффициент γ_f
1.	Металл тузилмалар	1,05
2.	Бетон, темирбетон, тош, арматош ва ёғоч тузилмалари	1,1
3.	Зичлиги $\rho \leq 1600 \text{ кг/м}^3$ бўлган бетон, изоляция, пардозлаш ва текислаш қатламлари (тўкмалар, сувоқ, ўрама материаллар, плиталар ва ш.ў.): завод шароитида тайёрланган қурилиш майдонида тайёрланган	1,2 1,3
4.	Табиий ҳолда жойлашган грунтлар (тупроқлар)	1,1
5.	Тўкма тупроқлар	1,15
6.	Кўчмас қурилмалар	1,05
7.	Кўчмас қурилмалар изоляциялари	1,2
8.	Трубопроводлар, сиғимли идишлар ва жиҳозларни тўлдирувчилари: суюқлик сочилувчан материаллар	1,0 1,1
9.	Юклагичлар ва каралар	1,2
10.	Кўприксимон ва осма кранлар	1,1

Изоҳ: Юкларни камайтиришда юкланиш бўйича ишонччилик

коэффициенти 1-5 моддалар учун $\gamma_f=0,9$ қабул қилинади.

Бинолардан фойдаланиш даврида юкларни юқорида таърифланган турлари ўзаро боғланган ҳолда биргаликда таъсир этади.

Тузилмаларни ҳисоблашда юкларни табиий равишда биргаликда таъсири мумкин бўлган энг номувофиқ ҳолни назарда тутиш керак. Юкларни биргаликда таъсирини икки тури меоёрларда жорий қилинган:

асосий биргалик – доимий, узоқ муддатли ва қисқа муддатли юклар.

махсус биргалик – доимий, узоқ муддатли ва қисқа муддатли ҳамда махсус юклардан бири.

Тузилмаларни юкларнинг асосий биргаликда таъсирларига ҳисоблашда, битта қисқа муддатли юк олинган бўлса, унинг қиймати ёки ундан ҳосил бўладиган зўриқиш қиймати тўлиқ олинади, агар икки ва ундан ортиқ қисқа муддатли юк олинган бўлса, у ҳолда қисқа муддатли юк ҳисобий қиймати ёки ундан ҳосил бўладиган зўриқиш қиймати кўшилиш коэффицентиға кўпайтириб олинади, узоқ муддатли юк учун кўшилиш

коэффициенти $\psi_1=0,95$, қисқа муддатли юк учун $\psi_2=0,9$. Тузилмаларни юкларнинг махсус биргаликдаги таъсирига ҳисоблашда

Қор массасидан тушаётган юклар учун юкланиш бўйича ишончилилик
коэффициенти γ_f

1.7-жадвал

q_h/S_0	1 ва ундан катта	0,8	0,6	0,4 ва ундан кичик
γ_f	1,4	1,5	1,55	1,6

Изоҳ: q_h – том ёпмаси хусусий оғирлигини меоёрий миқдори; S_0 –
қор массасининг меоёрий миқдори.

эса узоқ муддатли юк учун қўшилиш коэффициенти $\psi_2=0,95$, қисқа муддатли юк учун $\psi_2=0,8$.

Юк кўтарувчи кранлардан тушаётган юкларни ҳисоблашда, агар битта кран ҳисобга олинган бўлса ундан тушаётган юк қиймати тўлиқ қабул қилинади, агар иккита кран ҳисобга олинган бўлса 1-6 режимда ишловчи кранлар учун қўшилиш коэффициенти $\psi_2=0,85$ ва 7-8 режимда ишловчилар учун $\psi_2=0,95$, агар тўртта крандан тушаётган юк ҳисобга олинаётган бўлса мос ҳолда $\psi_2=0,7$ ва $\psi_2=0,8$ қабул қилинади.

Бундан ташқари кўп қаватли биноларнинг ораёпмаларига тушаётган вақтинчали юкларни ҳам камайтириш меоёрларда рухсат этилади.

Қордан тушаётган юк қурилиш ноҳиясининг географик жойлашишига, қор қатламининг баландлигига ва том қиёфасига мос ҳолда қабул қилиниб, 1 м^2 горизонтал юзага тушадиган қиймати S_0 МДХ шаҳарлари учун 500-2500 Н/м² (2.2-жадвал) бўлиши мумкин.

Ҳисобий юк қиймати қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$S = S_n \cdot \gamma_f = S_0 \cdot \mu \cdot \gamma_f,$$

бу ерда μ - қор қатламининг ер юзасига тушаётган оғирлигидан том

ёпма юзасига таъсиридаги оғирлигига ўтиш коэффициенти.

γ_f – қор қопламаси учун юкланиш бўйича ишонччилик
коэффициенти (1.8-жадвал).

Жойнинг типига ва бино баландлигига кўра шамол тезлик босимини ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент k

1.8-жадвал

Жойнинг тури	Ер юзасидан баландлиги, м						
	10	20	40	60	100	200	350 ва ундан баланд.
А	1	1,25	1,55	1,75	2,1	2,6	3,1
Б	0,65	0,9	1,2	1,45	1,8	2,45	3,1

Изоҳ: А типдаги жойлар очик жойлар (дашт, чўл, денгиз, кўлларнинг очик қирғоқлари ва ш.ў); Б типдаги жойлар – шаҳар ва унинг чеккалари, баландлиги 10 м дан ортиқ бўлган тўсиқлар билан қопланган жойлар. Баландликнинг оралик миқдорлари учун k нинг қиймати интерполяция қилиб олинади.

Коэффициент μ нинг қиймати томнинг қиёфасига (турига) боғлиқ бўлиб, қиялик бурчаги $\alpha \leq 25^\circ$ бўлганда $\mu=1$, $\alpha \geq 60^\circ$ бўлганда $\mu=0$ олинади, α нинг оралик қийматлари учун μ нинг миқдори интерполяция йўли билан аниқланади.

Қордан тушадиган юк учун ишонччилик коэффициенти γ_f нинг қиймати ёпма хусусий оғирлигининг меоёрий миқдори q_n ва қорнинг меоёрий миқдори S_n нисбатига боғлиқ ҳолда қабул қилинади (2.5 жадвал).

Шамолнинг таъсиридан ҳосил бўлаётган юк статик ва динамик ташкил этувчилардан иборат бўлади.

Шамолни белгиланган тезлик босимига тегишли статик ташкил этувчи қисми барча ҳолатларда ҳисобга олиниши зарур. Тезлик босимини ўзгариб туришидан юзага келадиган динамик ташкил этувчи қисми эса хусусий тебраниш даврийлиги 0,25 с кўп бўлган иншоотларни ҳисоблашда эотиборга

олинади (мачта, минора, тутун чиқиш қувурлари, электрузатгич линиялари таянчи, устунсимон аппаратлар ва ш.ў); баландлиги 40 м дан юқори кўп қаватли бинолар; бир қаватли бир ораликли ишлаб чиқариш биноларининг кўндаланг ромлари баландлиги 36 м дан ортиқ бўлиб, баландлигини оралик узунлигига нисбати 1,5 дан кўп бўлса.

Шамол таъсиридан тушадиган юкнинг статик ташкил этувчи қисми меоёрий миқдори W_n қуйидаги ифода билан аниқланади:

$W_n = W_0 \cdot k \cdot c$, бу ерда W_0 – шамолнинг тезлик босими, МДХ шаҳарлари учун ер сатҳидан 10 м баландликдаги қиймати 1.5 – жадвалдан қабул

қилинади.

k – шамолнинг тўлиқ босимини баландлик бўйича ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффицент бўлиб жойнинг типига боғлиқ ҳолда 1.8 – жадвалдан қабул қилинади.



c – аэродинамик коэффицент, бино ва иншоотлар турига кўра 1.9 – жадвалдан қабул қилинади.

Шамол таъсиридан тушаётган юклар учун юкланиш бўйича ишончлилиқ коэффиценти $\gamma_f = 1,2$, агар шамол таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса (минора, мачта ва ш.ў) $\gamma_f = 1,3$ қабул қилинади.

Темирбетон тузилмалари йиғма элементларини кўтариш, ташиш ва монтаж қилишдаги юкларга ҳисоблашда, элементларни хусусий массасидан тушаётган юкларни динамиклик коэффиценти киритиб аниқланади. Унинг миқдори ташишда – 1,6; кўтариш ва монтаж қилишда – 1,4. қабул қилинади. Бу динамиклик коэффицентлари

Ёпмаларнинг ҳар хил кўриниши учун аэродинамик коэффицент C_e (ҚМҚ 2.01.07 – 96 дан)

камайтириб олиниши ҳам мумкин. Камайтириш миқдори аниқ тажрибаларга асосланган ҳолда бўлиб 1,25 дан кам қабул қилинмайди.

Тизим-лар тартиб рақами	Бино ва иншоотлар кўриниши ва шамол юкининг тизими	C _e коэффициентлари миқдори					
1	Тик юзалар (девор, тўсиқ ва ш.ў) 	Коэффициент йиғиндиси C _e =1,4					
2	Қўш нишобли ёпмалар 	Коэффициентлар C _{e1} ва C _{e2}					
		коэффициент	X ₀	h ₁ /l да коэффициентлари миқдори			
				0	0,5	1	≥2
		C _{e1}	0	0	-0,6	-0,7	-0,8
			20	+0,2	-0,4	-0,7	-0,8
			40	+0,4	+0,3	-0,2	-0,4
			60	+0,8	+0,8	+0,8	+0,8
		C _{e2}	≤60	-0,4	-0,4	-0,5	-0,8
		Коэффициент C _{e3}					
		b/l	h ₁ /l да				
			≤ 0,5	1		≥ 2	
		≤1	-0,4	-0,5		-0,6	
		≥2	-0,5	-0,6		-0,6	

1.3. Темирбетон тузилмаларида ёриқбардошлилик талабларининг уч тоифаси

Тузилмаларга уларнинг ишлатилиш шароити ва арматураларнинг турига кўра ёриқбардошлилик талабларининг уч тоифасидан бири қўйилади:

а) 1-тоифа талабларига кўра тузилмаларда ҳар қандай ёриқларни пайдо бўлишига йўл қўйилмайди. Бундай тузилмалар ёриқ пайдо бўлиши бўйича ҳисобий юклар таъсирига ҳисобланади;

б) 2-тоифа талабларига кўра тузилмаларда пайдо бўлган ёриқларни эни a_{crc1} кейинчалик ишончли даражада ёпилиши шарти билан чекланган қисқа муддатли бўлишига йўл қўйилади; 2-тоифа талаблари қўйиладиган тузилмалар ёриқлар кенгайиши бўйича тўла меоёрий юк таъсирига ва уларни ёпилиши бўйича узоқ муддатли меоёрий юк таъсирига ҳисобланади;

в) 3-тоифа талабларига кўра тузилмаларда эни чекланган қисқа муддатли a_{crc1} ва узоқ муддатли a_{crc2} ёриқлар пайдо бўлишига йўл қўйилади. Бундай тузилмалар ёриқлар кенгайиши бўйича тўла ва узоқ муддатли меоёрий юклар таъсирига ҳисобланади.

Ёриқлар кенглигининг миқдори a_{crc1} ва a_{crc2} арматуралар тури ва синфига ҳамда тузилмаларни ишлаш шароитига кўра 1.10 жадвалда келтирилган.

Темирбетон тузилмаларини ишлаш шароитига ва арматуралари турларига кўра ёриқбардошлилик талаблари туркумлари.

1.10-жадвал

Тузилмаларнинг иш шароитлари	Узоқ давом этмайдиган a_{crc1} ва узоқ давом этадиган ёриқлар энининг йўл қўйиладиган чегаравий очилиши мм да		
	Стерженсимон А-I, А-II, А-III, А-III _в , А-IV синфга оид; Симсимон В-I, В _р -I синфга оид	Стерженсимон А-V, А-VI синфга оид; Симсимон В-II, В _р -II синфга оид; Симларининг ташқи диаметри 3,5 ва ундан кўп- К-7, К-19 синфга оид пўлат арқонлар	Симсимон В-II В _р -II синфга оид; ташқи симларининг диаметри 3 мм ва ундан кам бўлган К-7 синфга оид пўлат арқонлар
Ёпиқ хоналарда	Учинчи тоифа	Учинчи тоифа	Учинчи тоифа
Очиқ ҳавода ҳамда	$a_{crc1}=0,4$	$a_{crc1}=0,3$	$a_{crc1}=0,2$
тупроқ сувлари	$a_{crc2}=0,3$	$a_{crc2}=0,2$	$a_{crc2}=0,1$
сатҳидан	Учинчи тоифа	Учинчи тоифа	Учинчи тоифа
баланддаги ёки	$a_{crc1}=0,4$	$a_{crc1}=0,2$	$a_{crc1}=0,2$
пастдаги тупроқ-ларда	$a_{crc2}=0,3$	$a_{crc2}=0,1$	
Тупроқ сувлари	Учинчи тоифа	Иккинчи тоифа	Иккинчи тоифа
сатҳи ўзгарувчан	$a_{crc1}=0,3$	$a_{crc1}=0,2$	$a_{crc1}=0,1$
бўлган тупроқ-ларда	$a_{crc2}=0,2$		

Тузилмаларни ёриқ ҳосил бўлишига, очилишига ва ёпилишига ҳисоблашда уларга тушадиган юкларни ҳисобга олиш тартиби 1.11 жадвалда келтирилган.

Олдиндан зўриктирилмаган темирбетон тузилмалари фақат учинчи тоифа ёриқбардошлилик талабларини қониқтириши мумкин.

Кўриб ўтилган ёриқбардошлилик талаби тоифалари элементлар бўйлама ўқига тик ва қия ёриқларга тааллуқлидир.

Бўйлама ёриқларни пайдо бўлиши ҳар қандай элементларда ҳам йўл қўйилмайди.

Тузилмаларни ёриқбардошлиikka ҳисоблашда юкларни ҳисобга олиш тартиби

1.11-жадвал

Темирбетон тузилмаларни ёриқбардошлилик бўйича қўйиладиган талаблар тоифаси	Ёриқлар пайдо бўлиши бўйича	Ёриқлар очилиши бўйича		Ёриқлар ёпилиши бўйича
		Қисқа муддатли очилиш	Узоқ муддатли очилиши	
Биринчи	$\gamma_f > 1$ да ҳамма юкларни (махсус юклардан ташқари) биргаликда таъсири (мустаҳкамлик бўйича ҳисоблашдаги каби)	-	-	-
Иккинчи	Шунингдек (қисқа муддатли ёриқлар очилиши ва уларни ёпилиши бўйича текшириш зарурлигини аниқлаш учун қилинадиган ҳисобда)	$\gamma_f = 1$ да доимий ва вақтли юкларни биргаликда таъсири (махсус юклардан ташқари)	-	$\gamma_f = 1$ доимий ва узоқ муддатли юкларни биргаликда таъсири
Учинчи	$\gamma_f = 1$ да ҳамма юкларни (махсус юклардан ташқари) биргаликда таъсири (ҳисоблаш ёриқлар пайдо бўлиши бўйича текшириш зарурлигини аниқлаш учун олиб борилади)	худди шунингдек	$\gamma_f = 1$ да доимий ва узоқ муддатли юкларни биргаликда таъсири	-

1.4. Олдиндан зўриктирилган темирбетон элементлардаги кучланишларни йўқотилиши.

Олдиндан берилган кучланишнинг бошланғич миқдори вақт ўтиши билан камайиб кетади яъни кучланишларни йўқотилиши рўй беради.

Арматураларни турига, тайёрлаш ва таранглаш усулига ҳамда тузилмаларни ишлатилиш шароитига кўра йўқотилишлар ҳар хил сабаблар натижасида ва ҳар хил кетма-кетликда содир бўлади. Ҳаммаси бўлиб 11 асосий йўқотилишлар мавжуддир (1.12-жадвал).

Ҳамма йўқолишларни икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ йўқолишлар σ_{los1} бетонни сиқилиши тугагунча, иккинчи гуруҳ йўқолишлар σ_{los2} бетон сиқилгандан сўнг рўй беради.

Агар арматуралар таянчларга тортиб тарангланган бўлса, у ҳолда биринчи гуруҳ йўқолишлар қуйидагича аниқланади:

$$\sigma_{\text{los1}} = \sigma_1 + \sigma_2 + \sigma_3 + \sigma_4 + \sigma_5 + \sigma_6$$

иккинчи гуруҳ йўқолишлар

$$\sigma_{\text{los2}} = \sigma_8 + \sigma_9.$$

Агар арматуралар бетонга тортиб тарангланган бўлса

$$\sigma_{\text{los1}} = \sigma_3 + \sigma_4$$

$$\sigma_{\text{los2}} = \sigma_1 + \sigma_8 + \sigma_9 + \sigma_{10} + \sigma_{11}$$

йўқолишлар миқдори 1.12 - жадвалга асосан аниқланади, бунда умумий миқдори

$\sigma_{\text{los}} = \sigma_{\text{los1}} + \sigma_{\text{los2}}$ бўлади, лекин тузилмаларни лойиҳалашда йўқолишлар миқдори 100 МПа дан кам қабул қилинмайди.

Арматурада олдиндан зўриқишнинг биринчи йўқолишлари, МПа

Йўқолиш белгилари ва бу йўқолишларга сабаб бўладиган омиллар	Арматурада зўриқишнинг биринчи йўқолишлари, МПа	
	Таянчларда	Бетонда
σ_1 – арматура кучланишининг релаксациясидан: а) механик усул билан таранглашда: - юқори даража мустаҳкам сим арматура ва канатлар - стерженр арматура (А-IV ва ундан юқори классдагилари) б) Электротермик ва электротермик-механик усуллар билан таранглашда - сим арматура - стерженр арматура (А-IV ва ундан юқори классдагилари) в) А-III, А-IIIВ класслардаги стерженр арматуралар учун таранглашнинг ҳар қандай усулида	$(0,22\sigma_{sp}/R_{s,ser}-0,1) \sigma_{sp}$ $0,1\sigma_{sp}-20$ $0,05\sigma_{sp}$ $0,03\sigma_{sp}(\sigma_{sp} \text{ йўқолишни назарда тутмаган ҳолда олинадиган, МПа})$ 0	- - - -
σ_2 – температура даражалари фарқлангандан (тарангланган арматура ва бетон бугланиши ва қизишида тарангланишидан ҳосил бўладиган кучланишни ўзига оладиган мослама температуралари ўртасидаги фарқ $^{\circ}\text{C}$)	В15 – В40 класслардаги бетонлар учун $1,25\Delta t$; В45 ва ундан баланд класслардаги бетонлар учун $1,0\Delta t$, бу ерда Δt -арматура билан тарангланишдан ҳосил бўладиган кучланишни ўзига оладиган тиргаклар температуралари ўртасидаги фарқ, $^{\circ}\text{C}$; аниқ маълумотлар бўлмаганда $\Delta t=65^{\circ}\text{C}$	
σ_3 – тарангловчи мосламалардаги анкерлар деформацияларидан (фақат механик усул билан таранглашда)	$\frac{\Delta l}{l} E_s$ бу ерда Δl – 2 мм пресслаб қўйилган шайбаларнинг сиқилиши, кўчирилган головкаларнинг эзилиши ва ш.ў. ёки инвентарр қисқичларда стерженларнинг силжиши; бу силжиш қўйидаги формуладан аниқланади. $\Delta l = 1,25 + 0,15d$, d – стерженр диаметри, мм; l – стержен узунлиги, мм; электротермик усул билан таранглашда $\sigma_3=1$	$\frac{\Delta l_1 + \Delta l_2}{l} E_s$ бу ерда $\Delta l_1=1$ мм – анкерлар билан бетон ўртасига жойланган шайбалар ёки кистирмаларнинг сиқилиши, $\Delta l_2=\Delta l=1$ мм – стакан типидagi анкерлар, тикинли головкалар, анкер гайкалари ва қамрагичларнинг деформациялари; l – таранглангандиган стерженр узунлиги, мм
σ_4 – арматура ишқаланишидан: а) каналларнинг деворларига ёки конструкция бетонининг юзасига б) букувчи мосламаларга σ_5 – олдиндан зўриққан темир-бетон конструкцияларни тайёрлашда пўлат қолип деформациясидан	$\sigma_{sp}(1-1/e^{\delta\theta})$ (σ_{sp} йўқолишни ҳисобга олмаган ҳолда олинадиган), бу ерда: e – натурал логарифмлар асоси; δ – коэффициент, у 0,25 га тенг, θ – арматура ўқи бурилишининг	$\sigma_{sp}(1-1/e^{ux+\delta\theta})$ (σ_{sp} -йўқолишни ҳисобга олмаган ҳолда олинадиган), бу ерда: e – натурал логарифмлар асоси; u ва δ - 6.11 – жадвал (2) бўйича аниқланадиган коэффициентлар, x – таранглаш мосламасидан ҳисоблаб аниқланадиган кесимгача бўлган участканинг узунлиги, м; θ - арматура ўқи бурилишининг жамланган бурчаги, радианларда

Арматурада олдиндан зўриқишнинг иккинчи йўқолишлари, МПа

1.12 – жадвалнинг давоми

Йўқолиш белгилари ва бу йўқолишларга сабаб бўладиган омиллар	Арматуранинг таранглашда		
	Таянчларда		Бетонда
σ_7 - арматура кучланишининг релаксациясидан			$\left(0,22 \frac{\sigma_{ep}}{R_{s,ser}} - 0\right) \sigma_{sp} - \text{сим}$ арматура 0,1 σ_{sp}-20 стерженр арматура
σ_8 – оғир бетоннинг киришишдан Оғир классдагилари: а) В35 ва ундан пасти б) В40 - - в) В40 ва ундан баланди Енгил классдагилари зич (ғовак) кумда тайёрланган	Табиий шароитда қотадиган бетон 40 50 60 50 (70)	Атмосфера босими остида иссиқлик билан ишлов берилганда уни ўзига тез оладиган бетон 35 40 50 45 (60)	Бетоннинг қотиш шароитига боғлиқ бўлмаган 30 35 40 -
σ_9 – оғир бетоннинг ўзича чўзилувчанлиги	$\sigma_b/R_b \leq 0,75 \quad 150\alpha\sigma_b/R_b$; $\sigma_b/R_b > 0,75$ да $300\alpha(\sigma_b)R_b - 0,5$ бу ерда: α - коэффициент, у табиий шароитда қотадиган бетон учун 1 га тенг, атмосфера босимида иссиқлик билан ишлов берилганда уни ўзига тез оладиган бетон		
σ_{10} – бетоннинг спиралсимон ёки ҳалқасимон арматура ўрамлари таъсирида эзилишидан (конструкциясининг диаметри 3 м гача бўлганда)			30
σ_{11} – блоklar ўртасидаги бириктиш жойларининг сиқилиш жойлари деформациясидан (блоklarдан иборат конструкциялар учун)			$\frac{n\Delta l}{l} E_s,$ бу ерда: n – тарангланадиган арматуранинг узунлиги бўйлаб конструкция чокларининг сони; Δl – бириктиш жойининг сиқилиши, у бетон билан тўлдирилган бириктиш жойлари учун 0.3 мм га, куриқлайин бириктиришда 0,5 мм га тенг килиб олинади. l – тарангланадиган арматуранинг узунлиги, мм.

II-боб. Эгилишга, сиқилишга ва чўзилишга ишловчи элементларни биринчи чекли ҳолат бўйича ҳисоблашга доир мисоллар

2.1. Эгилишга ишловчи элементларни нормал кесим бўйича мустаҳкамликка ҳисоблаш

2.1.1. Эгилишга ишловчи бир томонлама арматураланган тўғри тўрт бурчак кесимли темирбетон элементларни лойиҳалаш.

Амалда бу турдаги масалалар уч хил ҳолатда учраши мумкин:

1. Элементни кесим ўлчамлари, материаллари тавсифи ва унга таъсир этаётган ташқи ҳисобий эғувчи момент берилган бўлиб ишчи арматура миқдорини аниқлаш талаб этилади.
2. Элементга таъсир этаётган ташқи ҳисобий эғувчи момент ва материаллар тавсифи берилган бўлиб, элементнинг кесим ўлчамлари ва ишчи арматураси миқдорини аниқлаш талаб этилади.
3. Элементни олдиндан лойиҳаланган бўлиб, унинг материаллари тавсифи, кесим ўлчамлари ва ишчи арматуралари миқдори берилган, элементни юк кўтариш қобилияти (ташқи ҳисобий эғувчи моменти) ни аниқлаш талаб этилади.

Қуйида шу уч турдаги масалаларга оид мисолларни кўриб чиқамиз.

2.1-мисол. Қуйидаги бошланғич маълумотларга кўра текис темирбетон плита учун зарур бўлган ишчи арматура миқдори аниқлансин.

Ташқи ҳисобий эғувчи момент $M=3,5$ кНм. Оғир бетон синфи В20, арматура синфи А-I. Плитанинг кўндаланг кесим ўлчамлари $b=80$ см; $h=60$ см; $\gamma_{B2}=0,9$.

Ечиш. Иловадаги 3 ва 6 жадвалдан бетоннинг ҳисобий қаршилиги $R_B=11,5$ МПа; арматуранинг ҳисобий қаршилиги $R_5=225$ МПа; $h_0=h-a=60-15=45$ мм; $a=15$ мм-бетоннинг ҳимоя қатлами. Коэффициент [3] 3.14 дан

$$\alpha_m = \frac{M}{\gamma_{B2} \cdot R_B \cdot b h_0^2} = \frac{3,5 \cdot 10^5}{0,9 \cdot 11,5 \cdot 80 \cdot 45^2 \cdot 100} = 0,209,$$

у ҳолда $\xi = 1 - \sqrt{1 - 2\alpha_m} = 0,238$.

Бетон сиқилувчи минтақасининг тавсифи

$$w = 0,85 - 0,008 \gamma_{B2} \cdot R_B = 0,85 - 0,008 \cdot 0,9 \cdot 11,5 = 0,767.$$

Сиқилувчи минтақа нисбий баландлигининг чекланган миқдори [3] 2.42 ифодадан

$$\xi_R \frac{w}{1 + \frac{\sigma_{sR}}{\sigma_{sc,4}} \left(1 - \frac{w}{1,1}\right)} = \frac{0,767}{1 + 225 / 500 \left(1 - \frac{0,767}{1,1}\right)} = 0,675,$$

бу ерда

$\sigma_{sR}=R_s=225\text{МПа}$ – А-I синфли арматура учун;

$\gamma_{B2}<1$ бўлгани учун $\sigma_{sc,4}=500\text{МПа}$;

Демак $\xi=0,238 < \xi_R=0,675$ у ҳолда ишчи арматуранинг талаб этилган миқдори [3] 3.15 ифодадан

$$A_s = \frac{M}{R_s \cdot \xi \cdot h_0} = \frac{3,5 \cdot 10^5}{225 \cdot 0,881 \cdot 4,5 \cdot 100} = 3,92 \text{ см}^2,$$

бу ерда $\xi=1 - \xi/2=1 - \frac{0,238}{2} = 0,881$.

Арматуралаш коэффициенти

$$\mu = \frac{A_s}{bh_0} = \frac{3,92}{80 \cdot 4,5} = 0,011 > \mu_{\min} = 0,0005.$$

Пўлат арматуралар сортаментидан ишчи арматуранинг $5\varnothing 10$ А-I, $A_s=3,93\text{ см}^2$ қабул қиламиз.

2.2-мисол. Олдиндан зўриктирилган арматурали тўсиннинг кесим ўлчамлари $b=25\text{ см}$, $h=50\text{ см}$ бўлиб синфи В30 оғир бетондан тайёрланган. Ишчи арматура синфи А-VI ($R_{sp}=815\text{ МПа}$); $R_b=17\text{ МПа}$; $\gamma_{B2}=0,9$; $R_b=0,9 \cdot 17=15,3\text{ МПа}$. Ҳисобий ташқи эгувчи момент $M=150\text{ кН}\cdot\text{м}$. Олдиндан берилган зўриқиш $\sigma_{sp}=600\text{МПа}$ бўлганда, тўсин учун талаб этиладиган ишчи арматуралар миқдори аниқлансин.

Ечиш. Ҳимоя қатламини $a=3\text{ см}$ қабул қилсак, у ҳолда $h_0=h-a=50-3=47\text{ см}$.

Бетон кесими сиқилувчи минтақасининг тавсифи

$$w=0,85-0,008 \cdot R_b=0,85-0,008 \cdot 15,3=0,73;$$

$$\sigma_{sR}=R_s-\sigma_{sR}=815-600=215\text{ МПа};$$

$$\gamma_{B2}=0,9<1\text{ бўлгани учун } \sigma_{sc,4}=500\text{ МПа}.$$

Сиқилувчи минтақа нисбий баландлигининг чекланган миқдори

$$\xi_R = \frac{0,73}{1 + \frac{215}{500} \left(1 - \frac{0,73}{1,1} \right)} = 0,638$$

$$\alpha_m = \frac{M}{\gamma_{B2} \cdot R_b \cdot bh_0^2} = \frac{150 \cdot 10^5}{0,9 \cdot 17 \cdot 25 \cdot 47^2 \cdot 100} = 0,178$$

у ҳолда

$$\xi = 1 - \sqrt{1 - 2\alpha_m} = 1 - \sqrt{1 - 2 \cdot 0,178} = 0,197 < \xi_R = 0,638$$

А-VI синфли пўлат учун $\eta=1,1$, у ҳолда арматуранинг ишлаш шароити коэффициенти [3] 2.44

$$\gamma_{s6}=\eta \cdot (\eta-1) (2\xi/\xi_R-1)=1,1 \cdot (1,1-1) (2 \cdot 0,197/0,638-1)=1,06<\eta=1,1$$

қабул қиламиз $\gamma_{s6}=1,06$.

Кучлантирилган ишчи арматуранинг талаб этилган юзаси

$$A_{sp} = \frac{\xi \cdot b \cdot h_0 \cdot R_s}{\gamma_{s6} \cdot R_{sp}} = \frac{0,197 \cdot 25 \cdot 47 \cdot 15,3}{1,06 \cdot 815} = 4,01 \text{ см}^2.$$

Қабул қиламиз 2 Ø 16 А-VI: $A_{sp}=4,02 \text{ см}^2$

2.3-мисол. Қуйидаги шартларга асосан темирбетон тўсиннинг кесим ўлчамлари ва ишчи арматурасининг талаб этилган юзаси аниқлансин: ташқи ҳисобий эгувчи момент $M=120 \text{ кНм}$; оғир бетон синфи В30, $\gamma_{B2}=0,9$ ($R_b=0,9 \cdot 17=15,3 \text{ МПа}$); Арматура синфи А-II ($R_s=280 \text{ МПа}$).

Ечиш. Тўсинни энини олдиндан $b=20 \text{ см}$ деб оламиз. Арматуралаш коэффиценти энг мувофиқ (оптимал) миқдорини қабул қиламиз $\mu=0,012$,

$$\text{у ҳолда} \quad \xi = \mu \cdot \frac{R_s}{R_b} = 0,012 \cdot \frac{280}{15,3} = 0,22, \quad \text{бундан} \quad \alpha_m = \xi(1-\xi/2) = 0,22 \quad (1-$$

$$\frac{0,22}{2}) = 0,196 \text{ тўсиннинг ишчи баландлиги [3] 3.18 дан}$$

$$h_0 = \sqrt{\frac{M}{\alpha_m b R_b}} = \sqrt{\frac{120 \cdot 10^5}{0,196 \cdot 20 \cdot 15,3 \cdot 100}} = 44,7 \text{ см}$$

Агар ҳимоя қатлами $a=3 \text{ см}$ десак, тўсиннинг баландлиги

$h=h_0+a=44,7+3=47,7 \text{ см}$. Қабул қиламиз $h=50 \text{ см}$; у ҳолда

$h_0=h-a=50-3=47 \text{ см}$; бетон сиқилувчи минтақаси тавсифи

$w=0,85-0,008 \cdot 15,3=0,73$; $\sigma_{sp}=280 \text{ МПа}$; $\sigma_{sc,4}=500 \text{ МПа}$, чунки $\gamma_{B2}=0,9 < 1$;

у ҳолда

$$\xi_R = \frac{0,73}{1 + \frac{280}{500} \left(1 - \frac{0,73}{1,1} \right)} = 0,614.$$

Бундан

$$\alpha_R = 0,614 (1 - 0,5 \cdot 0,614) = 0,425;$$

$$\alpha_m = \frac{M}{b \cdot h_0^2 \cdot R_b \cdot \gamma_{s2}} = \frac{120 \cdot 10^5}{20 \cdot 47^2 \cdot 15,3 \cdot 100} = 0,178.$$

Демак $\alpha_R = 0,425 > \alpha_m = 0,178$

$$\xi = 1 - \sqrt{1 - 2\alpha_m} = 1 - \sqrt{1 - 2 \cdot 0,178} = 0,198.$$

Талаб этилган арматура миқдори

$$A_s = \frac{\xi \cdot b \cdot h_0 \cdot R_b \cdot \gamma_{s2}}{R_s} = \frac{0,198 \cdot 20 \cdot 47 \cdot 15,3}{280} = 10,17 \text{ см}^2.$$

Қабул қиламиз 4 Ø 18 А-II, $A_s=10,17 \text{ см}^2$;

2.4 - мисол. Олдиндан зўриктирилган ва оддий арматурали тўсинни кўндаланг кесим ўлчамлари ва талаб этиладиган ишчи арматуралари миқдори

аниқлансин. Ҳисобий ташқи эгувчи момент $M=125$ кН.м; тўсин В25 синфли оғир бетондан тайёрланади, $\gamma_{B2}=0,9$; оддий арматура синфи А-III ($R_s=365$ МПа): зўриктирилган арматура синфи А-IV ($R_{sp}=510$ МПа ва $\sigma_{sp}=370$ МПа); ($R_b=0,9 \cdot 14,5=13,05$ МПа).

Ечиш. Энг мувофиқ арматуралаш коэффиценти $\mu=0,012$ қабул қиламиз. У ҳолда

$$\xi = 0,012 \frac{365}{13,05} = 0,336, \text{ бундан}$$

$$\alpha_m = 0,336 \left(1 - \frac{0,336}{2} \right) = 0,28.$$

Тўсин энини $v=20$ см қабул қиламиз.

Тўсиннинг ишчи баландлиги

$$h_0 = \sqrt{\frac{12500000}{0,28 \cdot 20 \cdot 13,05 \cdot 100}} = 41,4 \text{ см},$$

агар $a=3$ см десак $h=h_0+a=41,3+3=44,4$ см,

қабул қиламиз $h=45$ см; $h_0=45-3=42$ см;

Бетон сиқилувчи минтақаси тавсифи

$w=0,85-0,008 \cdot 13,5=0,746$;

$\sigma_{sR}=510-370=140$ МПа; $\sigma_{sc,4}=500$ МПа;

